

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ

РУСТАМОВ ШАМИЛЖОН ХАСАНОВИЧ

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИ ОРҚАЛИ
ТАЛАБАЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Информатика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Рустамов Шамилжон Хасанович

Интеллектуал таълим тизимлари орқали талабаларда тадқиқотчилик
фаолиятини такомиллаштириш методикаси..... 5

Рустамов Шамилжон Хасанович

Методика совершенствования исследовательской деятельности студентов
посредством интеллектуальных систем обучения..... 25

Rustamov Shamiljon Khasanovich

Methodology of improving research activity of students through intellectual
education systems..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ

РУСТАМОВ ШАМИЛЖОН ХАСАНОВИЧ

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИ ОРҚАЛИ
ТАЛАБАЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Информатика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ped2883 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турғунов Адилбек Мухторович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Турсунов Қаххор Шоназарович
педагогика фанлари доктори, доцент

Каюмова Насиба Ашуровна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "16" ноябрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (75) 225-34-13; факс: (75) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети Педагогика факультети, 217 хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (132 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (75) 225-34-13; факс: (75) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "19" ноябрь кuni тарқатилди (2022 йил "12" ноябрь даги 14 рақамли реестр баённомаси).



Р.Д.Шодиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

И.Б.Камолов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.д.(PhD), профессор

Ш.Ў.Нуруллаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
п.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда информатика ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш сифати ҳозирги вақтда олий таълимни ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда. Ахборотни қайта ишлаш, узатиш ва улардан фойдаланишнинг янги воситаларининг пайдо бўлиши билан интеллектуал таълим тизимларидан фойдаланиш фаоллашмоқда. Ушбу жараён талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган янги ахборот технологиялари имкониятларини яратиш ва жорий этиш, ўқув жараёни самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган педагогик дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш каби тадбирларни талаб этади.

Дунёда сунъий интеллект асосида ишлайдиган турли тармоқ ўқитиш тизимлари алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Шу муносабат билан бўлажак информатика соҳасидаги мутахассисларни муаммоларни ҳал қилишга ўргатиш, уларнинг сабабларини бартараф этиш, ўқув муаммоли вазиятларни ҳал қилишда тажриба орттиришга ўргатиб бориш заруратдир. Таълим амалиётининг кўплаб омиллари туфайли буни интеллектуал метод ва воситаларни жалб қилмасдан ҳал қилиш жуда қийин. Талабаларни информатика фанидан ўқитишда қисман изланувчан ва эвристик методлардан фойдаланиш орқали муаммоларни ҳал этишга ўргатиш, уларни ишлаб чиқиш талабаларни билим олишдаги мустақиллиги даражасини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимиз тараққиётида миллий хавфсизлик ва таълим сифати муаммолари бир-бири билан чамбарчас боғланиб қолган сир эмас. Талабаларни информатика фанидан тайёрлаш сифатини ошириш ҳамда илғор педагогик технологиялар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан таъминланиши мумкин. Компьютер тизимлари, тармоқлари, техник объектларнинг тобора мураккаблашиши, уларни бошқариш ва техник хизмат кўрсатишнинг қийинлиги амалиётга йўналтирилган муаммоли вазифаларни ҳал қилишда мутахассисларни самарали ва мақбул ҳаракатларга ўргатиш муаммосини долзарблаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони ҳамда педагогик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда таълимга ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш назарияси ва амалиёти ҳамда ўқув жараёнида виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш усуллари, масофадан ўқитиш технологияларини қўллаш муаммоларига доир изланишларни А.А.Абдуқодиров, М.Х.Алламбергенова, М.М.Арипов, А.Д.Асқаров, У.Ш.Бегимқулов, П.М. Жалолова, Р.Х.Жўраев, Ф.И.Закирова, У.М.Мирсанов, Н.И.Тайлақов, Р.Д.Шодиевларнинг тадқиқот ишларида амалга оширилган.

Мустақил Ҳамдўстлиги давлатларида: ахборотни ўрганиш тизимларининг назарий-амалий асослари Л.С.Зазнобина, А.А.Журин, С.В.Попов, П.П.Фокин, С.В.Кувшинов, Б.М.Горен каби тадқиқотчилар асарларида баён этилган.

Хорижлик мутахассислардан Р.Alfred, К.С.Barker, Т.Monaha, S.Thakral, D.Fällman каби олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Таълимни ташкил этиш, орттирилган тажрибани кейинги авлодга етказиш ва уни ривожлантириш – муаммоли таълимдан фойдаланиш методикасини пайдо бўлиши билан бошланди. Унинг асосий ғояси муаммоли вазиятларни ҳал қилишда талабалар томонидан билимларни мустақил равишда эгаллашдир. Ўтган асрдан бошланиб, ривожланиб келаётган бу методика кўплаб таниқли М.Н.Скаткин, И.Я.Лернер, Ж.Дюи, М.И.Махмутов, А.М.Матюшкин, А.В.Хуторской, М.А.Чошанов каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилди ва амалиётда муваффақиятли қўлланилади.

Компьютер техникаси, дастурий таъминот, ахборотлар технологияси саноатининг ривожланиши информатика курсининг мазмунини амалий масалалар йўналишида чуқурлаштириш заруриятини келтириб чиқаради, уларни ўрганишда қийинчиликлар туғдиради.

Масофавий ўқитиш режими жуда кўп афзалликларга эга (интерактивлик, қулайлик, мослашувчанлик), аммо замонавий ўқитиш воситалари ва усуллари аксарият ҳолларда муаммоли вазиятларни оптимал ҳал қилишни ўрганишга ёрдам бермайди. Натижада, мижоз-сервер Web-платформасида тармоқ ўқитиш тизимларида ушбу жараённи индивидуаллаштириш учун ўқитиш курси ҳақида экспериментал маълумотларни тўплаш учун ақлли ва мослашувчан алгоритмлардан фойдаланиш керак.

Тадқиқот муаммоси бир неча: талабаларда информатика фанини ўқитишда ижодий ва интеллектуал ривожланиши учун муаммоли таълим методикасининг дидактик имкониятларини ўрганилмаганлиги ҳамда мустақил таълим ва

тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш, улардан фойдаланишнинг назарий-амалий асосларини йўқлиги каби зиддиятли ҳолатлар учрайди.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқадиган бўлсак, тадқиқот муаммоси – информатика фанидан ахборот-коммуникация технологияларининг интеллектуал воситаларига асосланган талабалар учун қисман изланувчан ва эвристик методлари асосида муаммоли таълим методикасини ишлаб чиқиш ва асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот режалари асосида ИТД-1. А-1-173 “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интеллектуал таҳсил тизимидан фойдаланиб, информатикани ўқитиш таълим самарадорлигини ошириш учун қисман изланувчан ва эвристик методлари орқали муаммоли таълим методикасини ишлаб чиқиш ва асослашдан иборат эди.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

информатикадан қисман изланувчан ва эвристик методлари орқали амалга ошириш учун муаммоли таълим методикасининг назарий асосларини, уни амалга ошириш ва ўқитиш амалиётида қўллаш муаммолари таҳлил қилиш;

ўқув жараёнини ташкил этишнинг лойиҳалаштириш стратегиясида ахборотнинг ўзаро таъсири шартлари аниқланиб, тавсифлаш ҳамда фойдаланувчиларнинг функцияларини ва тизимдаги ўрнини тавсифлаш;

муаммоли вазиятларга асосланган интеллектуал таълим тизимидан фойдаланган ҳолда қисман изланувчан ва эвристик методлари орқали муаммоли таҳсил методикасини тақдим этиш;

курслар бўйича билимлар базасини ишлаб чиқиш, тармоқли интеллектуал таълим тизимидан фойдаланган ҳолда қисман изланувчан ва эвристик методлари орқали муаммоли таълим методикасини жорий этиш самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълимда таҳсил олаётган талабаларга таҳсил восита ва методларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган информатика таълим жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг предметини талабаларнинг интеллектуал ўқитиш тизимидан фойдаланган ҳолда информатика фанидан муаммоли таълимни ташкил этишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг методлари. Психологик-педагогик, илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; автоматлаштирилган ўқитиш тизимларидан фойдаланиш бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш; кузатиш, таълим муассасалари педагоглари ва талабалар билан суҳбатлар ҳамда анкета сўровномалари ўтказиш; умумлаштириш; расмийлаштириш; моделлаштириш; интеллектуал таълим тизимлари ёрдамида машғулотлар ўтказиш; талабаларни информатика фанидан қисман изланувчан ва эвристик

методларини татбиқ этган ҳолда муаммоларни ечишга ўргатиш; математик статистика методларидан фойдаланган ҳолда тажриба-синов натижаларини қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

информатикадан муаммоли таълимни қисман изланувчан ва эвристик методлар орқали амалга ошириш учун муаммоли таълим методикасининг психологик, педагогик ва концептуал назарий асослари, уни амалга оширишдаги қисман изланишли топшириқлар, фаолиятлар интеграцияси асосидаги муаммоли вазиятларни татбиқ этиш йўллари аниқланган;

таълим жараёнини лойиҳалаштириш стратегиясида ахборотнинг ўзаро адекват ва интерактив таъсир шартлари кўриб чиқилиб, фойдаланувчиларнинг таълим олувчи, ривожлантирувчи функциялари ҳамда тизимдаги диалектик, дидактик ва ижтимоий ўрни аниқланган;

муаммоли вазиятларга асосланган интеллектуал таълим тизимидан фойдаланган ҳолда қисман изланувчан ва эвристик методлари орқали талабалар фаолиятининг унумдорлик даражасини ошириш имконини берадиган муаммоли таълим методикаси ахборот-маълумотномали дастурлар, имитацион дастурлар ва моделлаштирувчи дастурлар асосида такомиллаштирилган;

муаммоли вазиятларнинг қисман изланувчан ва эвристик методларининг самарадорлиги муаммоли дифференциал ўқув топшириқларини шакллантириш ва ҳал қилиш босқичлари ҳамда уларни масофавий, модулли таълим жараёнига жорий этиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юртлири талабаларида интеллектуал таълим тизимлари ёрдамида амалга оширилиши қисман изланувчан ва эвристик методлар орқали муаммоли вазиятларнинг турларини, шунингдек, уларни шакллантиришнинг педагогик технологияси такомиллаштирилган;

педагогик амалиётни ахборотлари билан ишлашнинг, шу жумладан, таълимни интеллектуал таълим тизимлари ёрдамида амалга ошириш воситаларидан фойдаланишда инновацион методлар билан бойитилиши аниқланган;

қисман изланувчан ва эвристик методлари ёрдамида муаммоли таълимни мақсадга мувофиқ амалга ошириш ҳамда таълим маълумотлари билан ишлаш таянч компетенцияларни шакллантиришга ёрдам бериши аниқланган;

интеллектуал таълим тизимлари орқали талабаларда тадқиқотчилик фаолиятини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дастлабки маълумотларнинг назарий-методик асослилиги билан боғлиқ; педагогика, информатика ўқитиш методикаси, таълимни ахборотлаштириш, ўқув жараёнида АКТдан фойдаланиш, маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштириш назарияси соҳасидаги фундаментал амалий тадқиқотларга таянган ҳолда; турли тадқиқот методларининг жами, амалий тадқиқот методларининг мувофиқлиги, шунингдек, қилинган хулосалар таълимни ахборотлаштиришни замонавий ғоясининг асосий қоидаларига ва педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилган таълим муассасалари раҳбариятининг ижобий баҳоси билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти. Информатика фанидан муаммоли вазиятларни ҳал этишда талабалар фаолиятининг унумдорлигини ривожлантириш учун махсус интеллектуал таълим тизимлари асосида қисман изланувчан ва эвристик методлари ёрдамида муаммоли ўқитиш методикасини амалга оширишнинг дидактик шартлари асослаб берилди. Информатика фанидан қисман изланувчан ва эвристик методлари ёрдамида муаммоли ўқитиш методикасини масофавий таълимда самарали амалга ошириш имкониятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти информатика фани педагогларига талабаларни аудитория ва масофавий ўқитиш шаклларида фойдаланиш имконини берувчи Integrated Taxonomic Information Learning System ёрдамида муаммоли таълим методикасини ишлаб чиқишда, Компьютер тармоқлари фанини ўқитилишида намоён бўлган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интеллектуал таълим тизимлари орқали талабаларда тадқиқотчилик фаолиятини такомиллаштириш методикасига доир тадқиқот натижаларидан:

информатикадан муаммоли таълимни қисман изланувчан ва эвристик методлар орқали амалга ошириш учун муаммоли таълим методикасининг психологик, педагогик ва концептуал назарий асослари, уни амалга оширишдаги қисман изланишли топшириқлар, фаолиятлар интеграцияси асосидаги муаммоли вазиятларни татбиқ этиш йўллари оид хулосаларидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган Қашқадарё ёшларининг “e-Portfolio” платформасини яратиш” мавзусидаги лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 2022 йил 10 мартдаги 02/01-620-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган Қашқадарё ёшларининг “e-Portfolio” платформасини яратиш имконини берган;

таълим жараёнини лойиҳалаштириш стратегиясида ахборотнинг ўзаро адекват ва интерактив таъсир шартлари кўриб чиқилиб, фойдаланувчиларнинг таълим олувчи, ривожлантирувчи функциялари ҳамда тизимдаги диалектик, дидактик ва ижтимоий ўрнига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган И-ХТ-0-19929-рақамли “Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 02 августдаги 182/1-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим жараёнида талабаларида тадқиқотчилик фаолиятини такомиллаштириш методикасини апробация қилишнинг илмий, расмийлаштирилган компонентлари тавсифи асосланиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 16 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертацион тадқиқот ишининг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Талабаларда интеллектуал таълим тизимлари орқали тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини қисман изланувчан ва эвристик методлари орқали амалга оширишнинг назарий ҳолатлари устида атрафлича тўхталиб ўтилган.

Қисман изланувчан ва эвристик методлари илм-фаннинг тайёр хулосалари асосида дарс муаммоларини ўртага ташлаш ва ҳал этишдек жараёнларни ўзида уйғунлаштиради ва талабаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришга қаратилган дидактик фаолият тизими сифатида талқин этилади. Қисман изланувчан ва эвристик методлари – педагогнинг таълим-тарбия мақсадларига мос келувчи тизимдаги, билим тақдим этиш борасидаги ва амалий муаммоларни ҳал этишини кўзда тутди.

Қисман изланувчан ва эвристик методларининг асосий вазифаси талабаларни ижодий изланиш жараёнига жалб қилишдан иборат. Мазкур методларда билимлар тайёр шаклда баён қилинмайди, балки муаммони ҳал қилиш орқали ўрганилади, бунинг эвазига билим янада мустаҳкам бўлади. Муаммоли вазиятлар келтирилган ҳар хил таърифларда қисман изланувчан ва эвристик методлари – асосий тушунчалардан бири сифатида гавдаланади.

Қисман изланувчан ва эвристик методлари тушунчаси муаммоли ўқитиш мазмуни таркибининг элементи ҳисобланади.

Қисман изланувчан ва эвристик методларидан фойдаланишни амалга оширишдаги асосий қийинчиликлар қуйидагиларга бориб тақалади.

1. Таълим жараёнини ташкил қилишда педагогга алоҳида аҳамият ва ўрин ажратилгани, бу унинг ички хислатларига, яъни интеллектуал салоҳият, диалектик ва мантиқий фикрлаш, коммуникатив фазилатлар ва ташкилотчилик қобилияти ҳамда ташқи сифатларга, яъни талабаларнинг ривожланиш даражаси, уларнинг сонига боғлиқ.

2. Биргина педагогнинг кўплаб дарсликларда илгари сурилган материаллар анъанавий баёнини қисман изланувчан ва эвристик методларига йўналтириши ва ўзгартириши ўзига хос мураккабликни ташкил этади.

3. Қисман изланишни талаб этадиган вазиятларни доимий ташкил этиш ва муаммоли ўқитишнинг барча босқичларини услубий жиҳатдан амалга ошириш жуда мушкул, бу эса маънавий эскирган хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Янги тушунчаларни ўзлаштиришга қаратилган дастурлар, уларнинг кўпчилиги тармоқланган дастурга эга дастурлаштирилган таҳсилга яқин тартибда ишлайди. Бундай дастурий таъминот ёрдамидаги таҳсил мулоқот шаклида олиб борилади. Шунга ўхшаш дастурий воситалар ёрдамида қисман изланувчан ва эвристик методлари орқали ўқитишни кўллаб-қувватлаш даражаси, энг аввало, ўқув дастурининг мазмунига боғлиқ ва агар унда муаммоли таҳсил элементлари мужассам қилинган бўлса, у ҳолда улар кўлланилади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, дастурий воситалар аввал бошдан, қисман изланувчан ва эвристик методлари орқали муаммоли ўқитишга йўналтирилмаган бўлади, шунинг учун унга тайёрланишда, воситаларни кўллашда қулай ҳолатлар бўлмаслиги мумкин.

Қисман изланувчан ва эвристик методларни муаммоли таълимдаги татбиқи, ҳаётини муаммоларга боғлаб ўқитиш асосида пайдо бўлган. Таълим бериш методикалари аниқ-равшан ғояларга асослангани сабабли, махсус интеллектуал таҳсил берувчи тизимларга эга қисман изланувчан ва эвристик методларини татбиқ этиш орқали муаммоли ўқитишни амалга ошириш технологиялари устида тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам лозим.

Қисман изланувчан ва эвристик методларнинг асосий мақсадлари ва уларга эришиш мезонларини тавсифлаш ҳамда уларни расмийлаштиришда, мулоҳазалар асосан – муаммоли вазиятларда оптимал ва самарали фаолият кўникмаларини ривожлантиришга, шунингдек, муаммоларни ҳал қилиш касбий тажрибани фаол ва жадал эгаллашга бориб тақалди. Интеллектуал таҳсил берувчи тизимларга асосланган қисман изланувчан ва эвристик методларини реал ҳаётини жараёнларда қандай ишлашини ушбу тизим максимал такрорлайдиган тарзда амалга оширишга ҳаракат қилиш мантиқан тўғри бўларди.

Интеллектуал таҳсил берувчи тизимга асосланган, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида бу босқичларни такрорлайдиган ва мазкур жараённи қайта тикловчи қисман изланувчан ва эвристик методларини баён қилиш, рўёбга чиқариш мантиқийлик нуқтаи назаридан ҳар жиҳатдан мос экан. Сунъий тарзда қисман изланувчан ва эвристик методлари орқали ҳал этиладиган турли муаммоли вазиятлар педагог томонидан амалий

машғулотлар давомида шакллантирилади. Бироқ, уларнинг кўпчилиги қайта тиклашда мураккабликлар туғдиради, хусусан, электрон ҳисоблаш машиналари архитектураси дарсларида видео карта билан боғлиқ носозликлар ёки компьютер тармоқлари дарсларида тармоқдаги маълумотларни узатиш муаммолари шулар жумласидандир.

Интеллектуал таҳсил берувчи тизимдаги муаммоли вазиятларнинг асосий тури – ҳаракат шартини излаш таснифидаги муаммоли вазиятлардир. Муаммоли вазиятни ҳал қилишда таҳсил олувчининг асосий вазифаси мақсадга эришишга олиб келадиган бажарилмаган шартларни топишдир. Ушбу қидирув жараёнида таҳсил олувчи муаммоли вазиятларни оптимал ҳал қилиш кўникмаларини интенсив равишда эгаллайди.

Ҳозирги вақтда ахборот оқимининг кўпайиши ва техник объектларнинг мураккабланиши кузатилмоқда, компьютер саноати жадал ривожланмоқда ва бинобарин, таълим олувчилар тажрибаси бу тенденциялардан ортда қолмаслиги зарур. Технологиялар ва педагогик воситаларнинг ҳозирги ривожланиши шароитида педагогга, машғулотларга тайёргарликка, ташкил этиш ва уларни ўтказишга юкломани ўзгартиришнинг вақтга боғлигини қуйидаги тарзда акс эттириш мумкин.

Агар педагог махсус таълим берувчи тизимларидан фойдаланса, у ҳолда умумий сарф кўлами камаёди, аммо сарфнинг ўсиши таҳсил берувчи тизимсиз юзага чиқадиган сарфларга пропорционалдир. Одатда педагог таҳсил берувчи тизимни ривожлантириш ва ахборот билан тўлдириш билан шуғулланса, бу ҳолат рўй беради. Аммо агар таълим жараёнини лойиҳалаштириш асосида ташкил этилса, ўқитиш жараёни боришини таҳлил қилишнинг интеллектуал алгоритмлари ва уни оптималлаштириш алгоритмлари ишга туширилса, у ҳолда талабаларнинг маълум бир таълим олганлик даражасига етиш учун педагогнинг интеллектуал ва даврий сарфи секин суръатда ўсиб боради.

Интеллектуал таҳсил берувчи тизимдан фойдаланганда қисман изланувчан ва эвристик методларини амалга ошириш самарадорлиги педагогнинг педагогик мақсадларга эриша олиш коэффициентига кўра баҳоланади. Самарадорлик деганда қўлга киритилган натижаларнинг кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга мувофиқлиги миқёсини тушунамиз. Махсус таҳсил берувчи тизимда қисман изланувчан ва эвристик методларнинг асосий йўл-йўриқларини автоматлаштириш, талабанинг ўқув муаммоларини амалда маълум даражада локаллаштири олиши, яъни чеклаб, барҳам бера олиши кўникмасини ошириш ва бошқа кўзланган мақсадларга эришиш, шунингдек, педагогнинг машғулотларга тайёрланиши ва ўтказиши мобайнида сарф этадиган интеллектуал ва даврий меҳнат сарфини камайтириш асосий мақсад саналади. Шунинг учун ўзимизга керак бўладиган асосий мезонларни танлаб оламиз, бу мезонлар интеллектуал таҳсил берувчи тизим ёрдамида қисман изланувчан ва эвристик ўқитиш методикасини рўёбга чиқариш самарадорлигини одатий анъанавий метод билан қиёслаганда аниқ-равшан кўрсатиб беришга қодир. Ҳар бир мезонга формал тус берган ҳолда уларни ҳисоблаш тартиби баён қилинган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Интеллектуал таълим тизимларидан таҳсил бериш жараёнида фойдаланиш методикаси**” деб номланиб, унда интеллектуал таълим тизимларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш методикасига алоҳида эътибор қаратилган. Лойиҳалаштириш – ҳар қандай ривожланишнинг энг муҳим қисмидир. Тизимни лойиҳалашдаги қийинчилик, асосан, уни аналогларининг йўқлигида кўринади, чунки бундай вазиятда аввалги ишланмаларнинг камчиликларини ҳисобга олиш қийин.

Махсус интеллектуал таълим тизимлари асосида муаммоли таълимни қисман изланувчан ва эвристик методларида иккита асосий иш цикллари ажратиб кўрсатилган: биринчиси, ташқи цикл бўлиб, бошқарувчи яъни ўқув жараёнини бошқаришни ташкил қилувчи, иккинчиси эса ички цикл бўлиб, у эса таълим олувчи муаммоли вазиятларни синовдан ўтказишда таълимни ташкил қилувчи тизим ҳисобланади.

Ўқув жараёнини бошқариш учун учта асосий босқич мавжуд бўлиб, унга қуйидагилар: ташҳислаш; таҳлил қилиш; таъсирларни қўллаш кабилар киради.

Таълимни бошқариш даври автоматик бошқарув режимида ишлашни таъминлаши керак, шунинг учун таълим олувчиларга муайян вазиятларда таъсир ўтказиш усуллари бўйича статистик маълумотлар шаклида тизим томонидан ўқитиш тажрибасини тўплашни таъминлаши лозим.

Шу билан бирга интеллектуал таълим берувчи тизим талаблари ва имкониятларини таҳлили амалга оширилиб, интерфейс ва дастурий таъминотни лойиҳалашдан олдин тизимнинг асосий талабларини ва ҳар бир фойдаланувчи учун таълим тизимининг зарурий функцияларини тавсифий жиҳатлари қараб чиқилган.

Интеллектуал таълим берувчи тизим талабларининг хилма-хил турлари мавжуд. Энг муҳим ва кенг тарқалган талабларига эътибор қаратилиб, ундан биринчиси, ускуна учун талаблар – сервер қисми тегишли маълумотлар базасини бошқариш тизимида ўқув тизими ишлаб чиқиладиган дастурий таъминот платформасини ўрнатиш ва муваффақиятли ишлаш имкониятини таъминлаши, шунингдек, тобора кўпайиб бораётган маълумотлар базаси учун бўш диск майдонига эга бўлиши керак.

Дастурий таъминот қисмига қўйиладиган талаблар – дастурий таъминотнинг мижоз қисми энг кенг тарқалган операцион тизимларда, турли хил версияларида ишлашни таъминлаши лозим.

Фойдаланувчиларга қўйиладиган талаблар – ўқув тизимида ишлашни интуитив тушуниши керак, шунда компьютерда ўртача маҳоратга эга фойдаланувчи бир неча дақиқадан бир соатгача бўлган вақт ичида, иш стажига қараб ўқув тизимининг ишлаш мантиғини аниқлаши мумкин.

Шундай қилиб, ушбу тизим янги ахборот технологияларининг воситаси бўлганлиги ва таълимни ахборотлаштириш доирасида ишлаб чиқиладиганлиги сабабли, ундан педагогик ва эргономик талабларга риоя қилиш талаб этилади.

Педагогик талаблар – ўқув дастури мазмунини ўқув дастури томонидан белгиланган мақсад ва вазифаларга ҳамда ушбу фан соҳасидаги дастлабки

билим даражасига мувофиқ шакллантириш имконияти; якуний натижаларни башорат қилиш имконияти билан оралиқ таълим натижалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тўплашни автоматлаштириш имкониятини таъминлашдан иборат.

Эргономик талаблар – ўқув тизими билан ишлашнинг индивидуал тезлиги ва тартибини таъминлаш; мулоқотни, визуал муҳитни, матн форматини ташкил этиш бўйича белгиланган стандартларга мувофиқлиги сабабли ўқитишнинг автоматлаштирилган тизими билан ўзаро таъсири учун қулай шароитларни таъминлашдан иборат.

Тадқиқот ишида фойдаланилаётган атамалар аппарати ва қисман изланувчан ва эвристик методлар, талабаларда интеллектуал таълим тизимларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш билан бирга тадқиқотчилик фаолиятини такомиллаштиришнинг методик моделини тақдим этишнинг таркибий-функционал жиҳатларини асослаш имкониятини берди. Мазкур моделнинг функционал жиҳати – тўртта таркибий компонентдан ташкил топган бўлиб, ҳар бир компонент ўзига хос функцияларни бажарилишини таъминлайди. Бу таркиб: мақсад, ташкилий, мазмуний ва натижавий-баҳолаш компонентларини ўзида намоён этади.


Мазкур компонентлар ўзаро боғланган бўлиб, улар талабаларда интеллектуал таълим тизимлари орқали тадқиқотчилик фаолиятини такомиллаштиришни таъминлайди. Методик моделни қуйидагича тавсифлашимиз мумкин: интеллектуал таълим тизимларидан фойдаланишни билган мутахассисга бўлган ижтимоий талаб асосида мақсад блоки аниқланади.

Ташкилий блокда қўйилган мақсадга эриштирувчи вазифалар тақдим этилиб, ёндашув ва тамойиллари, таълим технологиялари орқали интеллектуал таълим тизимларидан фойдаланишни такомиллаштирувчи шарт-шароитлар аниқланади. Мазмуний блокда интеллектуал таълим тизимларидан фойдалана олиш компетентлиги таркибий тузилмаси: когнетив компонент, операционал-технологик ва креатив компонентлардан ташкил топганлиги кўрсатиб берилган. Натижавий-баҳолаш блоки: Таълимий натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш, интеллектуал таълим тизимлари орқали талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шаклланганлик кўрсаткичлари ва даражаларини ўзида намоён этади (1-расм.).

Таълим тизимини яратишда энг муҳим ва ҳал қилувчи босқич бу билимлар базасини ишлаб чиқишни лойиҳалаштиришдир. Билимлар базасининг асосий вазифаси мутахассисларнинг расмийлаштирилган билимларини ўз вақтида ва самарали акс эттиришдир.

Таҳсил берувчи тизимни ишлаб чиқишнинг якуний босқичида унинг энг муҳим қисмини яратиш, айнан эса, барча назарий ғояларни маълумотлар базасида ва дастурий кодда гавдалантириш зарур.

Маълумотлар базаларини бошқариш тизими, уларнинг имкониятлари ва функциялари, ҳам дастурий платформалар ва дастурлаш тиллари соҳасидаги кенг муқобиллар ўртасидаги катта ранг-баранглик, фарқни ҳисобга олиб, мезон бўйича энг самарали нархларни ва талаб қилинаётган имкониятларни танлаш зарур.



1-расм. Талабаларда интеллектуал таълим тизимларидан фойдаланиш орқали тадқиқотчилик фаолиятини такомиллаштиришнинг методик модели.

Маълумотлар базаларини бошқариш тизимини танлаш объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади. Объектив омиллар – унумдорлик; функционал имкониятлар; лицензия қийматидир. Субъектив омиллар – ишлаб чиқувчи, яъни “разработчик”нинг иштиёқлари; бозордаги тенденциялар билан боғлиқдир

Маълумотлар базаларини бошқариш тизимини танлаш қуйидаги муқобилларда амалга оширилди. Microsoft Visual FoxPro нафақат маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш учун платформа, балки иловаларни яратиш учун муҳит ҳам ҳисобланади. Агар иловаларни ишлаб чиқиш бошқа муҳитда режаланаётган бўлса, у ҳолда маълумотлар базасига уланиш қўшимча драйверлар орқали содир бўлади.

Microsoft SQL Server – ахборотни ишлаш ва тижорий Web-боғланишларга хизмат кўрсатишни амалга оширувчи катта тизимларда маълумотларни сақлаш учун ишлаб чиқилган маҳсулотлар оиласидир. SQL Server фойдаланиш учун содда ва қулай, у бир қанча юзлаб фойдаланувчилар ишловчи мураккаб тизимларда кенг қўлланади. MS SQL Server маълумотлар базаси объектларига кириш ҳуқуқини тайинлашнинг қайишқоқ тизимини қўллаб қувватлайди, Windows воситалари ёрдамида авторизация қилишни маъқуллайдди. SQL Server йирик корхоналар учун маълумотлар базаларини ишлаб чиқишга мўлжалланган ва маълумотлар базаси қўшиши мумкин бўлган, айтарли, барча функционал имкониятларни қўллаб қувватлайди. Бундан ташқари, Desktop Edition версияси – маълумотлар базаси серверининг тўлиқ функционал ҳаракатлантирувчиси ҳисобланади.

Ижро этилувчи иловани яратиш дастурлашнинг бир ёки бир қанча тилларида амалга оширилади. Энг аввало, қўлланувчи трансляторлар турига қараб барча тиллар икки типга бўлинади:

- компиляция, яъни дастурларни дастурлаш тилидан аниқ машина тилига автоматик ўгиришни амалга оширувчи тиллар;
- интерпретация, яъни талқин қилинувчи тиллар.

Энг аввало, танлов бир ёки бир қанча талаб бажарилмаслиги туфайли чекланиб қолади. Бу талаблар орасида қуйидагилар ҳам мавжуд:

1. Дастурий таъминотнинг ҳаётий цикли босқичларини аксар қисмини қўллаб-қувватловчи ишланманинг интеграцияланган муҳити (IDE) мавжудлиги.
2. Маҳсулотнинг доимий қўллаб-қувватланиши, мос келиши.
3. Ҳужжатлар ва реал тизимларнинг намуналари ҳажми.
4. Дастурий таъминотни яратиш учун дастурий таъминот бозоридаги тенденциялар.

Фойдаланиладиган тиллар қуйидаги рўйхатдан танлаб олинади:

- C++ - Microsoft Visual Studio муҳити, Borland C++ Builder;
- C#~ Visual Studio.NET 2019, Borland C# Builder, Borland Delphi 2005;
- Delphi/Pascal – Borland Delphi муҳити;
- Java-Sun Microsystems Java Workshop муҳити ва Java Studio, Borland Java Builder.

Тилнинг самарадорлиги унинг қудрати ва бир вақтнинг ўзида мослашувчанлигида намоён бўлади. Тил синтаксиси лўнда, қисқа, аммо тушунарли бўлиши даркор.

Лойиҳалаштириш борасида бир қанча ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз афзаллик ва камчиликларига эга. Тадқиқот ишимизда прагматик ёндашув танлангани ҳолда ушбу ёндашувни қўллаш ER-диаграммасини куриш йўли билан предмет соҳасини семантик таркиблаштиришни бажаришга имкон беради. Предмет соҳасини бу тариқа тақдим этиш ишлаб чиқувчи (яъни “разработчик”) учун ҳам, предмет соҳаси эксперти учун ҳам бирдек қулай. Аниқ белгиланган қоидаларга асосан ER-моделидан реляцион маълумот базаси схемасига ўтиш имкони бўлади. Бундан ташқари, аксар CASE-воситалар ER-моделни негизида ишланган, яъни ER-диаграммаларни лойиҳалаштириш учун воситаларни тақдим этади.

Маълумотлар базаси таркибини лойиҳалаштириш ва сақланадиган тартибий қонун-қоидаларни ишлаб чиқишда муаммоли вазиятлар маълумотларини генерациялаш бўйича таркиблаштиришни бажаришга ҳамда маълумотлар базаси даражасида масалаларни ечиш оптималлиги даражасини ҳисоблаб чиқишга қарор қилинди. Биринчидан, бу ташқи таъсирлардан ишончли ҳимояланиши шарт бўлган ниҳоятда муҳим тартиблар. Иккинчидан, зарур хатти-ҳаракатларни сақланишини тартиб билан бажариш талабларни бажаришдан кўра анча мантиқлироқ. Мазкур ҳолатда ҳар сафар боғланишни ҳосил қилиш, уни очиш ва ёпишга зарурат йўқ, бунга ҳам анчагина вақт кетади, шу билан бирга маълумотлар базаси механизмлари сўров талабларини бажаришни оптималлаштириш мумкин. Икки асосий сўров аолгоритмига тўхталсак, муаммоли вазиятнинг зарур маълумотларини генерация қилиш ва масалани ечиш оптималлигини ҳисоблаб чиқишдир.

Муаммоли вазиятни қисман изланувчан ва эвристик методлари билан ҳал қилишда муаммоли вазият маълумотларини генерация қилиш рўй беради, бу вақтда эса қуйидагиларни бажариш зарур: шохланишнинг кўрсатилган муқобилларига мос равишда мақсадлар ёки шартлар шажара дарахтини барпо қилиш; мақсадда токи кўрсатилган бажарилмаган шартларга қадар бутуқларни ясаш; бажарилмаган шартлар мансуб бўлган даражаларни аниқлаш; барча шубҳа остига олинган шартларни юзага чиқариш, аниқлаштириш.

Шубҳаланган шартлар уларнинг локализация қийматлари билан бирга маълумотлар базасида сақланади, қолганлари эса масалани ечиш давомида хотирада ушланиб қолади. Жавобни топишда тўлиқ шажара дарахти ва шохлар шартларгача мақсадга эришишни текшириш учун қўлланилади. Масалани ечиш билан боғлиқ амаллар масалани генерациялаш билан қиёслаганда жуда тез-тез бажарилиши сабабидан бу амаллар таҳсил берувчи тизимнинг серверли дастурий қисмига ўтказилади. Бу ҳар сафар маълумотлар базасига дахлдор талай сўровларни ишга туширишдан кўра анча самарали бўлади, масалани генерациялаш чоғида қўплаб цикли сўровлар бажарилиши ўзи етарли бўлади.

Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш дейилганда, дастурий модулларни лойихалаштириш, улар учун дастурий код ёзиш ва унинг соzламаси тушунилади. Web-иловининг умумий қобиғи, масалани ечишни амалга оширувчи дастур қисми, кластерлаш ва оптималлаштиришни бажарувчи, интерфаол интерфейсни амалга оширувчи ва узоқ давом этувчи жараёнларни бажарувчи модуллар сингари энг муҳим фрагментларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш борасида фикрлар асосли тарзда келтирилади.

Тизимнинг умумий қобиғи портал кўринишида, яъни шу тахлит ташкил килинганки, бутун қобикқа қўшимча модулларни, масалан, қўшимча статистика, янгиликлар, фойдаланувчилар ҳақидаги ахборотнинг модулларини ёзиб тўлдириш мумкин.

Web-иловаларда узоқ давом этувчи операцияларни бажариш – таҳсил берувчи тизимдаги жуда муҳим ва зарур вазифа, негаки, кластерлаш ва оптималлаштириш каби тартиблар маълумотлар ҳажми ва процессор юкланишига қараб қандайдир сониядан бир неча дақиқагача бўлган фурсатда бажарилиши мумкин. Шунинг учун алоҳида потокларда бу тартибларни бажаришни эътиборга олиш ва бу операцияларни бошқаришни шакллантириш муҳим саналади. Webservice ни қўллаш ва Web-сервиснинг алоҳида потокларида узоқ давом этувчи операцияларни амалга ошириш энг маъкул ечимлардан биридир.

Integrated Taxonomic Information System Learning System интеллектуал таълим берувчи тизими анча мураккаб эканини ҳисобга олиб, ушбу тизимдан фойдаланиш бўйича фойдаланувчи йўриқномасини тузиш зарур бўлади. Тизим мафқурасига кўра уч хил асосий фойдаланувчи: эксперт, педагог ва талаба ҳамда тизим маъмури, яъни администратори кўзда тутилган.

Аноним, яъни шахси номаълум фойдаланувчи учун рўйхатга олиш жараёни қандай ишлашини кўрсатиб беришимиз мумкин. Аноним фойдаланувчини рўйхатга олиш. Аноним фойдаланувчи таҳсил берувчи тизимдаги очик маълумотларни кўра олади ҳамда ушбу тизимга кириш ва унда рўйхатдан ўтиш имкониятига эга. Агар фойдаланувчи таҳсил берувчи тизимда рўйхатдан ўтмаган бўлса, у ҳолда “Рўйхатга олиш” ҳаволасидан фойдаланиш ва фойдаланувчини рўйхатга олиш саҳифасига ўтиш лозим бўлади.

Таҳсил берувчи тизим глобал тармоқ шароитида ишлагани боис автоматик рўйхатга олишдан ҳимояланишни инобатга олиш муҳим. Рўйхатга олиш шаклида мазкур ҳимоя махсус ҳарфли-рақамли код ёрдамида таъминланади. Фойдаланувчи эса расмда тасвирланган ўша ҳарф ва рақамларни махсус майдонга киритиши даркор холос.

Рўйхатга олиш мувафакқиятли амалга ошганидан сўнг тизим таҳсил берувчи тизимдаги ҳисоб қайдномаси тизим маъмури ҳисоб қайдномасини тўсиқ-блокидан чиқаргани заҳоти фойдаланиш учун очик деган хабарни акс эттиради, шу билан бирга тегишли электрон почтага (e-mail) ёки телеграмм манзилга бу ҳақда хабар йўлланади.

Фойдаланувчи таҳсил берувчи тизим маъмурий ҳисоб қайдномаси остида кирганда тизимга кириш шакли блокида фойдаланувчи исми ва унинг вазифа тақсимооти акс этади. Шунга мувофиқ тарзда бош меню ҳам ўзгаради, маъмур ҳисоб қайдномаси остида “Маъмурлаш” менюсидан фойдаланиш мумкин бўлади, ушбу менюда таҳсил берувчи тизимни бошқаришга оид барча бўлимлар жой олган.

Ҳисоб қайдномаларига кўз югуртириш учун “Фойдаланувчилар” бўлимига ўтиш даркор. Бу ерда фойдаланувчилар рўйхатига қараб чиқиш ва зарур амалларни бажариш мумкин.

Таҳсил гуруҳларини бошқариш махсус саҳифада бажарилади. Таҳсил гуруҳини очиш учун “Янги гуруҳни яратиш” блокига гуруҳ ҳақидаги маълумотларни киритиш ва ўрганилажак курс предметларни белгилаш, сўнгра “Яратиш” тугмасига босиш зарур.

Гуруҳ ҳақидаги ахборотни таҳрирлаш учун “Гуруҳни таҳрирлаш” блокнинг тушиб кетувчи менюсида гуруҳ танланади, зарур ахборот ўзгартирилади ва “Сақлаш” тугмаси босилади.

Гуруҳга таҳсил берувчилар рўйхатига ўқитувчиларни қўшиш учун куйидаги амаллар кетма-кетликда бажарилади. “Гуруҳни таҳрирлаш” блокида гуруҳ танланади, кейин “Эркин ўқитувчилар” блокида ўқитувчиларнинг керакли ҳисоб қайдномалари танланади ва “Қўшиш” тугмаси босилади.

Хабарлар форум мавзусининг шохобчаси саҳифасида ёзилади, бунинг учун “Форум” саҳифасига ўтиш, сўнгра ўзингизни қизиқтирган форумни танлаш, форумда эса суҳбат мавзусини ва унда эса жавоб қўшиш зарур бўлган хабарни танлаш талаб этилади. Жавобни иқтибос келтириш режимида, шунингдек, оддий жавоб режимида ҳам яратиш мумкин. Шундан кейин жавоб формаси акс этади, бу ерда жавоб мазмуни киритилади ва сўнгра “Жўнатиш” тугмаси ёрдамида жавоб йўлланади.

Тадқиқот ишининг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси”** деб номланган.

